
Ҳамдардлик

Ўзбекистон туманининг атоқли фарзанди, истеъододли киноактёр Машраб Кимсанов 69 ёшида, узоқ давом этган хасталикдан сўнг бу ёруғ оламни тарк этди.

Машраб Кимсанов 1955 йил 17 август куни туғилган. 1976-1979 йилларда "Ўзбекфильм" киностудиясида режиссёр асистенти бўлиб ишлаган. 1983 йилда "ВГИК"нинг актёрлик факултетини тамомлаган.

Таниқли актёр "Водиллик келин", "Оловли йўллар", "Отамдан қолган далалар", "Масҳарабоз", "Умид", "Зебузар", "Хаёт мамот", "Хақиқий эркаклар ови", "Сехрли қалпоқча", "Онагинам орзуси" каби кўплаб фильмларда эсда қоларли ролларни ижро этган. Шунингдек, ижодкор "Тоғлик куёв" фильмининг постановкаси режиссёри ҳисобланади.

1999 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони билан тақдирланган.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ва туман жамоатчилиги марҳумнинг оила аъзолари хамда яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

2024-05-02 08:47:02